

ГЛОБАЛЛАШУВ ВА “ОММАВИЙ МАДАНИЯТ”

Жаҳонгиров Б.Б.

ЎзДЖТСУ, “Спорт ҳуқуқи, ижтимоий ва табиий
– илмий фанлар” кафедраси профессори

Исмойилхўжаев М.

ЎзДЖТСУ, GB-51-23-гурух талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада глобаллашув даврида ёшлар маънавияти, ёшлар онгига пайдо бўлаётган бўшлиқ ва унинг ёт ғоялар, “оммавий маданият” ва унинг келиб чиқиши ҳақидаги назариялар, ёшларимиз онгига салбий таъсири, ундан халос бўлиш йўллари, бу амалга оширилаётган ижобий ишлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: инсон, ёшлар, “оммавий маданият”, назария, омма, ёшлар маданияти, мусиқа, шеърият, адабиёт, фалсафа, социологик, тарихий, иқтисодий соҳа, маънавият.

GLOBALIZATION AND “CULTURE OF POWER”

Jahangirov B.B.

UzJTSU, “Sports Law, Social and Department of Natural
and Scientific Sciences Professor

Ismailkhodzhaev M.

Student of UzJTSU, group GB-51-23

ABSTRACT

This article provides information about the spirituality of youth in the era of globalization, the gap that arises in the consciousness of youth and their foreign ideas, theories about “mass culture” and its origin, its negative impact on the consciousness of our youth, ways to get rid of it and positive things that are being undertaken.

Keywords: people, youth, “mass culture”, theory, mass, youth culture, music, poetry, literature, philosophy, sociological, historical, economic sphere, spirituality.

КИРИШ

Оммавий жамият назариётчиларининг фикрича, XX асрда техниканинг туркираб ривожланиши, ишлаб чиқариш соҳасини механизациялашуви ва

автоматизациялашуви, маҳсулотларнинг стандартлашуви: уни омма учун ишлаб чиқариши ва кенг омма томонидан истеъмол қилиниши барчани умумий ҳаёт стандартига риоя этишга олиб келмоқда. Инсоннинг атрофидаги барча нарсалар стандартлаштирилади ва бирхиллаштирилади. Бевосита инсоннинг ўзи ҳам – “омма одами” га айланиб, “оммавий маданият” истеъмолчиси бўлиб қолади.

“Оммавий маданият” замонавий индустриал цивилизациянинг табиий маҳсулоти бўлиб қолади. Бу каби хulosага 70 – йилларда тараққий этган давлатлар “оммавий маданият” назариётчилари келган. Ушбу назария муаллифлари ҳисоблашларича, замонавий индустриал жамиятда камида иккита маданият – “оммавий” ва “элитар” борлигини таъкидлашган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов ва Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг нияти улуғ ҳалқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Оммавий ахборот воситалари материаллари, Олий таълим муассасаларининг жорий архивлари материаллари У.Сайдов, С.И.Ибрагимов ва Б.Жаҳонгревларнинг ушбу мавзуга оид маъюлари ва адабиётлари таҳлил қилинди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМАЛАР

Юқорида келтирилган маданиятларни таърифлар экан, “Оммавий маданият дейилганда, биз кенг омма истеъмоли учун ишлаб чиқарилган маданий маҳсулотларнигина тушунамиз. Юқори маданият эса – бу эстетик, адабий ёки илмий анъаналардан фойдаланувчи маданий элита қарамоғида яратилаётган ва бўладиган маданиятдир”. [1]

Америкалик социолог Э.Шилз сифати бўйича фарқланувчи ва эстетик, интеллектуал ҳамда ахлоқ стандартлари бўйича ўлчанувчи маданиятларнинг ўз даражаси ҳақида сўз юритади. Э.Шилз бўйича, маданиятнинг биринчи даражаси “юқори” ёки “тозаланган” маданият бўлиб, шеърият, адабиёт, фалсафа, социологик, тарихий, иқтисодий соҳалардаги илмий назариялар ва тадқиқотлар, мусиқа, архитектурадаги йирик ишларни ўз ичига қамраб олади. Маданиятнинг иккинчи даражаси “ўртамиёна” маданият бўлиб, ўз ичига юқори маданият ўлчовлари билан ўлчанмайдиган ишларни қамраб олади. У юқори маданият қўллайдиган жанрлардан фойдаланади, аммо унга кирмайдиганлари ҳам мавжуд. Масалан, мусиқали комедия жанри. Бунда “ўртамиёна” маданият даражаси вакиллари истеъдоди у қадар юқори эмас, деб қаралади.[2]

Учинчи даража – “қўпол” маданиятга элементар тартибининг ривожланиши сифатида баҳо берилади. Бу аввалги иккита даражадагидан фарқ қilmайди (тасвирий санъат намуналари ва пластика, мусиқа, достонлар, ҳикоялар,

новеллалар), аммо ўз навбатида ушбу даража ўйинлар ва томошаларни (бокс, от чоптириш мусобақаси) ўз ичига қамраб, мазмун моҳиятдан унча бой бўлмаган экспессив акцияларни намоён этади. Шундай қилиб Шилз, “оммавий маданият” деганда, қуи интеллектуал қониқишни тушунади. Бундай маданият истеъмолчида ички ўйлар ва ҳаётга нисбатан ижодий ёндошишдан кўра кўпроқ ташқи хиссиётларни келтириб чиқаради. “Оммавий маданият” шуниси билан ўта хатарлики, ёшларни қайси миллатга, қайси қатламга мансуб бўлишига қарамасдан бирдек қамраб олади. [3]

Бундан ташқари, АҚШлик геосиёsatчи Збигнев Бзежинскийнинг фикрича, “оммавий маданият” жозибадорлиги асосида ижтимоий эгалитаризмга алоҳида аҳамият берадиган, айни пайда, индивидуализм ва шахс муваффакиятларини инкор қилмайдиган америкача демократия ётибди. “Бир сўз билан айтганда, “оммавий маданият” одамларни фикрлашдан тўхтатиб, тайёр истеъмолчига айлантирадиган ҳодиса ҳисобланади”.[4]

Бугунги дунё бошидан кечираётган глобаллашув жараёни инсоният учун катта имкониятлар эшигини очиб бермоқда. Лекин, дунёдаги айрим кучлар шундай ҳам мураккаб дунёни янада мураккаблаштиришга зўр бермоқдалар. Хусусан, доимо зўровонлик ва гегемонлик ҳисобидан бойлик ортириб келган кучлар оммавий маданият ғоясини кенг тарғиб қилмоқдалар. Бу жараён бугун рок ва поп музика, видео ва турли жанрдаги фильмлар, сериаллар, ранг-баранг кўнгилочар шоу-томушалар, ўйинларни қамраб олмоқда. [5]

Ёшларимиз маънавиятини юксалтириш, уларда юриш-туриш одоби, мулокот ва кийиниш маданиятида меъёри сақлай билиш кўникмасини ҳосил қилиш учун миллийлик билан замонавийлик уйғунлигини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммосидир. Шунинг учун бўлса керак, барча тарихий даврларда замонавий ёшларни ўрганиш ва ривожлантириб бориш, мазкур жамиятларнинг олдидаги долзарб масалалардан саналган. Айниқса, ижтимоий-маданий ва сиёсий омиллар ижтимоий жараёнларда “ёш даврлари” билан боғлиқ масалаларни ўрганишга асосий сабаб бўлиб қолмоқда. [6]

Табиийки, жамият миқёсида “ижтимоий ҳаёт” омилини шаклланиб бориши, унга йўналтирилган ёшлар муаммоларини ҳам ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Ёшлар билан боғлиқ барча масалалар ва муаммолар ҳамиша тадқиқотчилар эътиборини ўзига тортиб келган. Шуни таъкидлаш муҳимки, ҳозирги мураккаб ва чигал замонда маънавият ва маърифат масаласи нақадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораётганини қўпчилик ҳамон теран англаб етгани йўқ. Такрор айтиш фойдадан холи эмаски, агар маънавиятни йўқотсак, ўзимизни ва ўзлигимизни йўқотиб қўйишшимиз

мумкин. Аксинча, маънавиятимизни юксалтиrsак, ўзимизнинг максад-вазифаларимизга етиш учун кучли ва ишончли мадад топа оламиз.[7]

Президент Ш.Мирзиёев шулар хусусида тўхталар экан, қўйидаги ҳолатни алоҳида таъкидлаган: «Биз юртимизда қандай ислоҳотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму шиҷоатингизга суннамиз. Барчангиз яхши биласиз, бугун ўз олдимизга улкан марралар қўйганмиз. Она Ватанимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга киришдик. Биз оила, мактабгача таълим, мактаб ва олий таълимни ҳамда илмий-маданий даргоҳларни бўлғуси Ренессанснинг энг муҳим бўғинлари деб ҳисоблаймиз. Шу сабабли айни ушбу соҳаларда туб ислоҳотларни амалга оширмоқдамиз. Ишонаманки, мамлакатимиз тараққиётининг янги пойдеворини яратишда сизлар сингари фидойи ва ватанпарвар ёшларимиз фаол иштирок этиб, муносиб ҳисса қўшадилар». Бугунги кунда инсоният ғоят чигал ва зиддиятли замонда яшяпти. Бунинг устига, эзгу ғояларни турли ғаразли манфаатлар йўлида соҳталаштиришга интилувчилар тобора кўпаймоқда. [8]

Оқибатда асл мақсадлар никобланиб, азалий қарашларнинг маъноси атайнин чигаллаштирилмоқда. Дарҳақиқат, бугунги шиддатли даврда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, чин маънавий-маърифий қадриятларни хурмат қиласдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар ҳозирги ривожланишга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшларимиз тарбиясига жиддий хавф солмоқда ва аксарият кўпчилик жаҳонда мисоли бало-қуюндеқ ёпирилиб бораётган бундай ўта хатарли таҳдидларга қарши курашиш нақадар долзарб эканини англаб бормоқда. [9]

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки мамлакатимизни тараққий топтириш, юксалтиришда ёшларнинг тарбияси ва салоҳияти ўта муҳим обектив қонуниятдир. Энди фақат ва фақат шу юртни, шу элни севувчи, мамлакат ривожига хизмат қилувчи, унинг моддий ва маънавий қадриятларига хурмат кўзи билан қаровчи ва маълум маънода уни тарғиб қилувчи фидойи ватандошларимизни тарбия қилиш мамлакатнинг ҳар бир фуқаросининг барча соҳасида фаолият кўрсатувчи фуқароларимизнинг энг асосий мақсадига айланиши ўта муҳим масаладир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

- 1.Каримов.И.А.“Юксак маънавият – етгилмас куч ”, Тошкент, “Маънавият”, 116-бет.
- 2.Мирзиёев.Ш.М. “Ададбиёт ва санъатн,маданиятни ривожлантириш- халқимиз оммавий оламини юксалтиришнинг муҳим пойдевори”. “Халқ сўзи” газетаси.04.08.2017 йил
- 3.Сайдов У. “Оломон адабиёти”. “Тафаккур журнали”.2018.№2.5-сон.-Б.13.
- 4.Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 986-994.
- 5.Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг ҳиндишон билан илмий техникавий алоқалари //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 1058-1065.
6. Сайдов У. Ибрагимов С.И. “Ёшлилар тарбиясида“Оммавий маданият” ва унигнг маданияти”, “Sohibqiron yulduzi”.№1.-Б.139-141.
7. Миллий истиқлол ғояси.Дарслик. “Академия”. –Т.:2005.-Б.114.
- 8.Жаҳонгиров Б. Б. Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан илмий-техникавий алоқалари //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2021. – Т. 4. – №. 2.
- 9.Jahongirov B. Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. С8. – С. 211-215.